# Qishloq hayoti

2010 йил — Баркамол авлод йили

Қишлоқ ҳаёти

ISSN 2010-7021

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi www.qishloqhayoti.uz

2010-YIL 19-FEVRAL, JUMA, 22 (7639) - son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.




...Бу орада тадбиркор Бахтиёр Нарзиев "Бахттекстиль", "Навбаҳортекстиль" корхоналаридан ташқари Хоразм ва Бухоро вилоятларидаги ип калава йигирувчи корхоналардан ҳам тайёр калава ипларини шартнома орқали олишга муваффақ бўлди... 2



Қишлоқларимизда яшайдиган аксарият аёллар тадбиркорликнинг ҳадисини олишяпти. Бири тикувчи бўлса, бошқаси зардўз, қандолатпаз, қўли гул ҳунарманд. Ҳатто, деҳқончилик, чорвачилик ва паррандачилик йўналишларида ҳам ўзларининг нималарга қодир эканликларини кўрсатишмоқда: меҳнат намуналарини кўриб, ҳайратланасиз. Агар аёлларга истеъдодларини намоён этиш учун имконият, етарли шарт-шароит яратиб берилса, рўзғорларига ва жамиятга кони фойда келтириши мумкинлигини меҳнатлари орқали кўрсатишмоқда. 3



Кино санъати жуда катта тарбия воситасидир. Шундай экан, фарзандларимизни ёт таъсирлардан, яъни диск тажовузидан, "ужас", "вампир"лардан ҳимоя қилиш учун барчамиз бирдек масъул эканлигимизни унутмаслигимиз керак. 4

саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда

Осиё чемпионати — 2010

# ЎЗБЕК ГИМНАСТИКАЧИЛАРИ ОСИЁДА ТЕНГСИЗ

**Пойтахтимизда ўтаётган бадиий гимнастика бўйича Осиё чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси жами бешта олтин, иккита кумуш ва битта бронза медалга сазовор бўлди.**

Мусобақанинг учинчи куни арғамчи, тўп, ҳалқа ва булавада машқ бажариш бўйича ўтказилган беллашувларда ҳар бир гимнастика предмети бўйича энг кучли саккизтадан спортчи ғолиблик учун куч синашди.

Баҳсларда ҳамюртимиз Азиза Мамажонова бу йилги қитъа чемпионатида энг кучли иштирокчи эканини яна бир карра исботлади. Умидли гимнастикачимизнинг тўп ёрдамида ижро этган композицияси энг кўп — 23,925, булавада бажарган машқлари 22,8, ҳалқа ёрдамидаги чиқиши 23,275 балл билан баҳоланди. А.Мамажоновага учта олтин медаль топширилди.

— Қизим Азиза Тошкентда ўтказилаётган нуфузли мусобақада юқори чўққиларни забт этаётганидан бахтиёрман, — дейди унинг онаси О.Мамажонова. — Спорт одамни ватанпарвар, оиласига, халқига садоқатли, меҳнатсевар, қатъиятли ва мақсад сари интилувчан бўлиб вояга етишида муҳим аҳамият касб этади. Азиза Қатар, Бельгия, Словения, Италия, Венгрия каби давлатларда ўтказилган халқаро турнирларда совриндорлар қаторидан жой олди. Лекин спортчи учун ўз юртдошлари, мухлислари кўз ўнгида ғалаба қозонишнинг гашти ўзгача. Чунки юртимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида навқирон авлодни баркамол қилиб тарбиялаш, ёшларнинг илм олиши, касб-ҳунар эгаллаши ва спорт билан шуғулланиши учун барча шароитлар яратилмоқда. Бундай эътибор ва ғамхўрликка жавобан халқимиз ишончини оқлаш, юрт равнақи ва шарафи учун курашиш ҳар бир ўғил-қизнинг муқаддас бурчидир.



Совриндор бўлган гимнастикачи қизларимиз — Сарвина ХОЛИҚОВА, Азиза МАМАЖОНОВА, Юлия СЕМЕНОВА.

Аъло Абдуллаев (ЎзА) олган сурат

Осиё чемпионатининг гуруҳ баҳслари фаворити — Япония терма жамоаси вакиллари — Сара Огисо, Шихо Сузуки, Мако Сасаки, Момока Нагаи ҳалқада ва тасмада машқ бажариш бўйича юқори натижаларни қайд этиб, бир жуфт олтин медални қўлга киритди.

Хитойлик гимнастикачилар — Ду Ксюки, Жао Бинжин, Лю Сидоу ва Вей Йивен гуруҳи ҳар икки машқ бўйича иккинчи ўринни эгаллаб, иккита кумуш медалга сазовор бўлди. Тасмада машқ бажариш беллашувларида қатнашган сингапурлик Хо Вивьен, Йилин Фаан, Сим Анн, Чиа Сесилия ўз терма жамоаси ҳисобига дастлабки бронза медални тақдим этди.

Гимнастика предметларида бажарилган яккалик баҳслари бўйича малайзиялик Ван Нин Ли иккита кумуш, қозоғистонлик Юлия Кизима иккита, Юлия Семёнова ҳамда хитойлик Юн Ли биттадан бронза медаль билан тақдирланди.

Осиё чемпионатининг яккаликлар баҳсида қатнашаётган спортчилар чемпионатнинг сўнгги куни — 19 февралда кўпкураш бўйича совринли ўринлар ва жорий йилнинг 14-26 август кунлари Сингапурда ташкил этиладиган ёшлар ўртасидаги I Олимпиада ўйинларига бериладиган бир жуфт йўлланма учун куч синашади.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, Байрам АЙТМУРОДОВ, ЎзА мухбирлари**

Тақвим

**Шу кунлардаги об-ҳаво маълумотларига эътибор қаратинг: вақти-вақти билан ёғингарчилик бўлиши кутилмоқда. Шамол ғарбдан 7-12 м/с тезликда эсади. Баъзи жойларда шамолнинг тезлиги 15-20 м/с гача етиши мумкин. Ҳарорат мамлакатимизнинг шимолий ҳудудларида кечаси 2-7 даража совуқ, кундузи 0-5 даража илиқ бўлиши кутиляпти. Жанубий ҳудудларда кечаси 1 даража совуқ билан 4 даража илиқ ўртасида, кундузи 4-9 даража илиқ бўлади.**

# Ҳут — кўклам бўсағаси



Кексаларнинг айтишича, ҳут одатда, икки-уч кун олдин бошланадиган шамоллар билан дохил бўлар экан. Ҳут 21 февралдан киради. Яъни, шу кундан қуёш қовға юлдузлар туркумидан балиқ юлдузлар туркумига ўтади.

Ҳут кириши билан деҳқонларнинг ороми йўқолади. "Ҳут кирди, ер остига дуд кирди" мақоли бежизга айтилмаган. Ҳамма кўкламги экиш мавсумига тайёргарлик кўради. Баракали ҳосилга шу даврда мустаҳкам замин яратилади. Боғбонларнинг ташвиши ортгандан ортади. Эрта-индин дарахтлар уйғонади. Демакки, мевали дарахтларни кесиш, шакл беришга улгуриш керак. Кўмилган анор, анжирлар тупроқдан чиқарилади. Негаки, кунлар исиши билан бу ярим тропик дарахтларнинг новдаси тупроқ остида қорайиб, чириши мумкин. Халқимизда яна шундай мақол бор: «Ҳут кирди, деҳқон пайтавасига қурт кирди». Кунлар илиши билан деҳқон уйда ўтирармиди, кетмонини олиб, даласига боради. Кўпчиган, қиш уйқусидан уйғонаётган ерга боқиб, олдинда турган ишларни хомчўт қилади. Олажак ҳосилини тасаввур этади.

Айтишларича, ҳут киришидан олдин, қантар оғади. Энди қозиқ устида қор турмайди, дейишади. Бу ибораниг келиб чиқиши боиси қантар оғиши билан шамол доимий йўналишини ўзгартириб турар экан. Баъзан жануб томондан эсган шамол (халқ бу шамолни "кайфан шамоли" ҳам деб атайди) ер остига илиқлик олиб кирар экан.

Ҳут чорвадорлар учун муҳим давр. Кўклам насимлари елгани билан яйловлар ҳали қиш уйқусида. Чўпонлар учун қўзилатиш мавсумидек долзарб паллалар. Ҳут охирига бориб, чорва яйловга кетади. Унгача шошилмаган мақбул. Баъзан ҳутнинг илиқ кунларига ишониб, молини яйловга ҳайдаган чўпонлар ютқазиши мумкин. Чунки, ҳали тўқсон тугамади, олдинда "аямажуз" кунлари бор. Буни яхши билган чорвадор тадбирини қилади. «Яхши келса ҳутни кўр, қозон-қозон сутни кўр», деган мақол ҳам чорвадорларга хос. Ҳут яхши келса, ўт мўл бўлади. Оқлик кўпаяди.

Ҳут баъзан совуқ келиши ҳам мумкин. Аммо табиат барибир уйғонишга юз тутади. Жанубдан қушлар учиб кела бошлайди. Бойчечак очилади. Ернинг кунгай тарафларида қоқигуллар очилади. Табиат шифобахш кўкатларни инъом этади. Ҳут ўтганидан сўнг ҳақиқий баҳор бошланади.

**Анвар БОТИРОВ**



Қорақалпоғистон Республикаси

# Эл-юрт дастурхонига лимонлар

**Энергетиклар шаҳри Тахиатошда истиқомат қилувчи Жўлдосбой оға Оллобергановни каттаю кичик ҳожатбарор, ишбилармон ва тадбиркор инсон сифатида яхши билишади. Халқ хўжалигини ривожлантириш йўлида 40 йил самарали меҳнат қилган бу инсоннинг меҳри лимон етиштиришга тушганида ҳеч ким ажабланмади. Боиси, у қайси ишни бошламасин, энг аввал етти ўлчаб бир кесиши яхши маълум эди.**

— Бундан беш-олти йил олдин Қашқадарёнинг Китоб туманида бўлдим, — дейди Жўлдосбой оға. — Бу ердаги дўстимизнинг мевали боғи, айниқса, лимонзори катта қизиқиш уйғотди.



Дўстим боққа ҳавасим келганини сезди ва олти туп лимон кўчати туҳфа қилди. Кўчат амал олиши, парвариши хусусида маслаҳатлар, зарур адабиётлар берди. 20 фоиз тупроққа 50 фоиз қўй қийи аралаштириб кўчатларни ўтқаздик. Қашқадарёнинг лимон кўчатлари Тахиатош заминида гуркираб ривожланди. Иккинчи йили гуллаб, ҳосил берди. Айвонни махсус жиҳозлаб, лимон тупларини кўпайтирдик. Икки келиним уларнинг парвариши билан шуғулланади. Ҳароратни назорат қилади. Ҳозир лимонлар пишди. Дастлабки ўтказилган лимонларнинг ҳар тупида 400 тагача ҳосил бор. 5-6 та лимон бир килограмм тош босади.

Сервитамин, инсон саломатлиги учун ғоят зарур бу табиат неъматини кўпайтириб, эл-юрт дастурхонини тўкин қилиш мақсадида Жўлдосбой оға Оллоберганов яқинда яна бир хайрли ишга қўл урди. Тахиатошда биринчи лимон етиштирувчи мўъжазгина иссиқхона барпо қиляпти.

**Абдураҳмон ИСКАНДАРОВ**

Йил дастури амалда

# Самарқанд спорт иншоотлари

**Республика болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Самарқанд вилояти филиали томонидан кенг кўламдаги ишлар амалга оширилмоқда.**

Ўтган даврда 21 та ТИП-спорт мажмуаси, умумтаълим мактаблари қошидаги 80 та спорт зали янгидан қурилди. Шунингдек, 1 та мусиқа ва санъат мактаби, 3 та якка тартибдаги ҳамда 10 та спорт зали капитал реконструкция қилиш орқали фойдаланишга топширилди.

Жорий йилда вилоят ҳудудида қурилиш ишлари олиб борилаётган йирик объектлардан бири Самарқанддаги эшкак эшиш каналидир. Мазкур спорт мажмуаси Республика болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан ажратилган 5,5 миллиард сўмлик маблағ эвазига халқаро андозалар даражасида капитал реконструкция қилинмоқда.

Шунингдек, Самарқанд шаҳрида бир вақтнинг ўзида спортнинг 8 та тури билан шуғулланиш имкониятига эга бўлган спорт мажмуаси ҳам қурилмоқда. 2010 — "Баркамол авлод" йили Давлат дастури соҳа мутасаддилари олдига катта ва муҳим вазифаларни қўйган. Бу борада ҳам кенг кўламли ишлар бошлаб юборилган.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.**

# Visa компанияси ва "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг самарали ҳамкорлиги

Матбуот анжумани

*Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар иқтисодиётнинг барқарор ривожланишига омил бўлмоқда. Буни, айниқса, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида мамлакатимиз банк-молия тизимининг барқарорлигини таъминлашга қаратилган эътиборда янада аниқроқ кўриш мумкин.*

Молия-банк тизимини мустаҳкамлаш бўйича кўрилган чора-тадбирлар охирги икки йилда банкларнинг жами капиталини икки баробар кўпайтириш ва инвестиция мақсадлари учун банклар кредитлари улушини 70 фоизгача ошириш имконини берди.

Президентимизнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида банкларнинг капиталлашув ва инвестициявий фаолиятини янада ошириш, уларда узоқ муддатли кредит қўйилмаларининг ўсиши ҳақида сўз юритар экан, ўз кредит портфелида 71 фоиз узоқ муддатли кредитга эга бўлган "Ўзсаноатқурилишбанк" фаолиятини ҳам алоҳида қайд этдилар.

Бугун мамлакатимиздаги мустаҳкам молия тизими, халқаро молия ташкилотларининг ҳам қизиқишига сабаб бўлмоқда. Жаҳонга машҳур Visa компанияси вакилларининг юртимизга ташрифи ҳам ана шундай қизиқиш ва эътибор самарасидир.

Мазкур ташриф давомида компания вакиллари юртимиз тижорат банклари, шу жумладан, "Ўзсаноатқурилишбанк" фаолияти билан яқиндан танишди. Ташриф давомида бўлиб ўтган матбуот анжуманида таъкидландики, Visa компанияси ҳамкорлигида мамлакатимизда UzNNSS деб номланган мамлакатлараро ҳисоб тизими жорий этилади. Бу тизим орқали Ўзбекистондаги банклар ҳисоб-китобларни миллий валютадаги Visa карточкалари орқали амалга оширишлари мумкин бўлади. Бу эса, ўз навбатида, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳажмининг ошишига, миллий валютамизнинг ликвидлигини мустаҳкамлашга ёрдам беради. Ушбу тизимнинг жорий этилиши алоҳида дастур ёки маблағни талаб этмайди. Негаки, у VisaNet базасида амалга оширилади.

Дунёнинг 200 дан ортиқ мамлакатидаги 16 200 молиявий институтларини бирлаштирган ушбу компания билан "Ўзсаноатқурилишбанк" доимий ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бугунги кунда ушбу банк аҳолига пластик карточкалар тизимининг энг замонавий ва кенг миқёсли хизматларини кўрсатиб келмоқда.

Яқинда халқаро Visa компанияси ва "Ўзсаноатқурилишбанк" ҳамкорлигида яна бир лойиҳа режалаштирилди. Яъни, жорий йилда Жанубий Африка Республикасида бўлиб ўтадиган футбол бўйича жаҳон чемпионатига йўлланма берувчи промо-акция ўтказилади. Унда мамлакатимиздаги барча VISA пластик карточкалар эгалари иштирок этиши мумкин.

Матбуот анжуманида Visa компанияси вакиллари мамлакатимиздаги тижорат банклари, хусусан, "Ўзсаноатқурилишбанк" билан ҳамкорликни янада кенгайтириш келажак истиқболи эканлигини таъкидлашди. Журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

**Анвар ҚУЛМУРОДОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.**


Qishloq hayoti
Қишлоқ ҳаёти

**МУАССИСЛАР:**

*Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар —*

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ергеодезкадастр", Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмиталари, "Ўздонмаҳсулот", "Ўзкимёсаноат","Ўзагросуғурта", "Ўзвиносаноат-холдинг", "Ўзбекенгилсаноат", "Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" компаниялари, "Ўзпахтасаноат", "Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати", Ўзбекистон фермер хўжаликлари, "Ўзагромашсервис", "Ўзгўштсутсаноат" уюшмалари, "Агробанк", "Қишлоқ қурилиш банк", Халқ банки, "Гидрометеорология" бош бошқармаси, Агросаноат ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши, "Ўздавдонинспекция", "Сифат" маркази

Наманган вилояти



# УЙЧИдаги ШИФО МАСКАНЛАРИДАН БИРИ

**Ўнҳаёт шаҳарчаси ҳудудида жойлашган Гузар қишлоқ врачлик пункти Уйчи туманидаги шифо масканларидан бири. Замон талабларига мос равишда қурилиб, жиҳозланган мазкур бино "Турсунбой-Ёдгорбек" хусусий корхонаси бошлиғи Раҳимжон Эгамбердиев ташкилотчилигида барпо этилди.**

Айни пайтда ҳududдаги 7621 нафар аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатилмоқда.

— Улардан 2016 нафари туғиш ёшидаги, шу жумладан, 85 нафари ҳомиладор аёллар ҳисобланади, — дейди ҚВП мудираси Мавлудахон Ҳотамова. — Саломатликни муҳофаза қилиш ва доимий равишда назоратга олиш биринчи галдаги хизмат бурчимизга киради. Шу нуқтаи назардан давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 1 июлдаги "2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан тизимли ишлар йўлга қўйилган. Йил бошидан шу кунга қадар ҳудудимиздаги туғиш ёшида бўлган 568 нафар аёл тиббий кўрикдан ўтказилиб, уларга керакли маслаҳат ва тавсиялар берилди. Айниқса, бу борада олий тоифали шифокор, акушер-гинеколог Ҳакима Сайфиддинова, болалар шифокори Осиёхон Каримова, умумий амалиёт шифокори Ҳумайра Халилова, катта ҳамшира Гулчеҳра Бобожонова ҳамда маҳалла ҳамшираси бўлиб ишлаётган Нодира Худойбердиева каби тажрибали мутахассислар фаолияти алоҳида эътирофга лойиқ.

**СУРАТДА:** *болалар шифокори Осиёхон Каримова навбатдаги болажонни тиббий кўрикдан ўтказмоқда.*

**Маъмур МУСУЛМОНОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Қишлоқ фуқаролар йиғинларида

Сирдарё вилояти

# Қўшимча даромад манбаи — хонадонга мадад

**Сардоба туманидаги Янгиобод қишлоқ фуқаролар йиғинида 3 та мактаб, 2 та қишлоқ врачлик амбулаторияси, 2 та боғча, 2 та этикдўзлик дўкони, Халқ банки филиали, 19 та тижорат дўкони фаолият кўрсатаётир.**

Экин майдонларининг мулкдорларга бўлиб берилиб, ишбилармон ва тадбиркорларга қулай шарт-шароитлар яратиб берилаётганлиги уларни янги гузарлар қуриш, сервис хизматини яхшилашдек ишларда ташаббускорликка ундаётир. Чунончи, қўрғонда яшовчи тадбиркор Салоҳиддин Эшонқулов банкдан кредит олиб, ҳамма қулайликларга эга сартарошхонани қуриб, ишга туширди. Яна бир тадбиркор Абдураҳмон Абдусаломов эса Бирлашган маҳалласида 100 ўринли мўъжаз тўйхонани қуриб, битказди.

Ушбу маҳаллада истиқомат қилаётган кекса пахтакор, меҳнат фахрийси Худойберди Расулов ўтган йилнинг кузида хайрли ишга қўл урди. У банкдан кредит олиб, ҳамма қулайликларга эга ҳаммомни қуриб ишга туширди. Шу қўрғонда яшовчи Юлдуз Хўжақулова 6 та замонавий ўқув дастгоҳи ўрнатилган тикувчилик цехини ишга туширди. У қиз-жувонларнинг бежирим либосларини тикиб бериш билан бирга иштиёқманд қизларга чеварлик касбини ҳам ўргатаётир.

Фуқаролар йиғинининг, айниқса, кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялаш, томорқа хўжалиги ва паррандачиликни ривожлантириш борасида олиб бораётган ишлари ҳар жиҳатдан таҳсинга лойиқдир. Фермер ва тадбиркорлар ҳомийлиги билан бир йил ичида қишлоқда 16 та кам таъминланган оилага қорамол тарқатилди. Бундан ташқари, 270 та оилага 25 сотихдан мавсумий томорқа берилди. Бу ишнинг ибратли жиҳати шундаки, мавсумий томорқани олган оила иқтисодини яхшилаб, борди-ю тўй-тантана режалаштирган бўлса, тўйини ўтказиб олса, келгуси йили у ўша томорқани тўй ўтказишга чоғланаётган ёки моддий жиҳатдан қийналиб қолган оилага топширади. Мавсумий томорқа шу тарзда навбат алмашиб туради.

Чибор маҳалласида яшовчи Ҳасанбой Ҳожиматов эса жуда хайрли ишга қўл урди. У паррандачилик фабрикаси қошида бир муддатнинг ўзида 50 мингта жўжа очирадиган инкубаторияни ишга туширди. Айни вақтда бу ташаббус самарасида тумандаги фермер хўжаликлари, кўплаб оилалар жўжа — парранда билан таъминланяпти.

Қишлоқ фуқаролар йиғини фаоллари — Исматулла Ибрагимов, Карим Турдиев, Аброрхон Маматқулов, Нуриддин Сайфуллаевларнинг аҳоли турмуш шароитини яхшилаш йўлида белгилаган режалари кўп. Улар ўтган йили қабристон йўлига тош тўкиб, ободонлаштириш, қўрғондаги кўчаларда ичимлик сув таъминотини яхшилаш, касб-ҳунар коллежини ишга туширишни ўз олдиларига катта вазифа қилиб қўйгандилар. Бу эзгу ишлар ҳам рўёбга чиқди. Энг асосийси, фаоллар қишлоқнинг лойиҳавий қиёфасини ўзгартириш борасида жиддий бош қотиришаётир. Аввалгидек, молхонаси уйига, ҳожатхонага туташиб кетган уйларда яшашнинг вақти ўтди энди.

## Барака булоғи

**Сайхунободда паррандачиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тумандаги "Сувон ота", "Баҳор", "Хадзипанакс СС", "Якка Т.Т.", "Беҳзод" фермер хўжаликларининг ҳар бирида 1000-1500 тадан товуқ боқилаётир. Ўтган йилнинг ўзида фермер хўжаликларидаги 16000 та товуқдан 481 минг дона тухум олинди ва истеъмолчиларга 4,5 тонна товуқ гўшти етказиб берилди. Ушбу фермер хўжаликларида 18 та янги иш ўрни яратилди.**

Паррандачиликни ривожлантиришга бел боғлаган фермерларга банк муассасалари томонидан ҳомийлик ёрдами кўрсатилаётир. Ўтган йили паррандачилик фермасини қуриб ишга туширишни режалаштирган "Донабой Каримов", "Ўзбегим Орзуси", "Бегали" фермер хўжаликларига банк муассасалари 50 миллион сўм кредит ажратди.

**Бозорбой БЕКМУРОДОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

*Олис ҳудудларда*

**Бундан тўрт-беш йил бурун Ванғозида бўлган киши энди дабдурустдан келиб қолса, бу ерни танимай қолиши турган гап. Қад ростлаган янги коллеж, қайтадан қурилган мактаблар Ванғозига янада кўрк ва салобат бағишлаётир. Интернет, замонавий дарс технологиялари асосида илм олаётган ўқувчиларни кўриб, ҳавасингиз янада ортади.**

Навоий вилояти

# Ванғози – тадбиркорлар қишлоғи

Ванғозидаги кенг ва равон йўлларни айтмайсизми? Айни пайтда ванғозиликлар қишлоқнинг ўзида ишлаб чиқариш корхоналарини қуришмоқда. Қишлоқда, ҳа, ҳа, худди шу қишлоқда заводларнинг кўплигига нима дейсиз. Мой заводими, пишиқ ғишт ишлаб чиқарадиган завод, сутни қайта ишлаш заводи дейсизми, ҳаммаси бор.

Бу қишлоқдаги ўзгаришлар ҳақида билмоқчи бўлиб, Ванғози қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Музаффар Исматовга мурожаат қилганимизда у киши бизни "Бахтиёр Дилмур тонги" кичик корхонасига бошлади. Музаффар ака билан йўл-йўлакай гаплашиб кетдик ва англаганимиз шу бўлдики, мулкчилик шу юртда изланаётган тадбиркорларимизнинг ори ва шарафига айланибди.

Қишлоқнинг бир четида жойлашган "Бахтиёр Дилмур тонги" кичик корхонаси ўтган йилнинг охирги чорагида маҳсулот чиқара бошлаган. Оқсоқолнинг айтишича, ванғозиликлар орасидан Бахтиёр Нарзиевдек изланувчан, янгиликка интиладиган тадбиркорлар кўплаб топиларкан. Деворлари пишиқ ғиштдан тикланган, эшик ва ромлари ярқираб турган бинога яқинлашдик. Йигит-қизлар меҳнат қилаётган цехга кирдик.

— Вилоятда ўзимиз етиштирган пахта толасини йигириб, калавага айлантираётган "Бахттекстиль", "Навбаҳортекстиль" каби корхоналар ишга туширилгач, қувончимиз еру кўкка сиғмай кетди, — дея сўзлайди Бахтиёр Нарзиев. — Акаукаларим билан кенгашиб, калава ипларидан дағал мато тўқийдиган цехларга дастгоҳларни ўрнатишга киришдик. Жой масаласини ҳам Ванғози қишлоқ фуқаролар йиғини оқсоқоллари ҳал қилишди.

Ишнинг бошланиши осон кечмаган, албатта. Цех ускуналарини сотиб олиш учун "Микрокредитбанк" Навоий филиалининг 50 миллион сўм миқдоридаги кредитини олиб, сарфлашга тўғри келди. Ускуналарни ўрнатиш ишлари ҳам қисқа муддатда адо этилди. Андижонлик тўқувчи қизлар қизилтепалик дугоналарига бир неча ой ушбу янги цехларда мато тўқиш сирларини ўргатишди.

Дастлаб, Қизилтепадаги касб-ҳунар коллежларини битирган йигит-қизларнинг йигирма нафари иш билан таъминланди. Бу орада тадбиркор Бахтиёр Нарзиев "Бахттекстиль", "Навбаҳортекстиль" корхоналаридан ташқари Хоразм ва Бухоро вилоятларидаги ип калава йигирувчи корхоналардан ҳам тайёр калава ипларини шартнома орқали олишга муваффақ бўлди. Ниҳоят, ванғозилик тўқувчилар тўқиган газлама бўяш дастгоҳидан чиқарилди! Кейинги босқичда ана шу газламадан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга киришилди. Елиб-югурган тадбиркор Б.Нарзиев иш кийимлари, рўзғор учун кўрпа-тўшак каби тайёр маҳсулотлар учун талабгорларни навоийлик саноатчилар орасидан, Самарқанд, Бухоро вилоятларидан излаб топди. Россия ва Германияда ишлаб чиқарилган йигирмата тикув машинаси келтирилди. Энг чевар тикувчилар корхонага ишга таклиф этилди. Турли русумда ишчилар коржомаси, қўлқоп, фуфайкалар, қалин ватали шимларга талаб йўлсозлардан, қўйчивону чорвадорлардан, завод ишчиларидан туша бошлади. "Бахтиёр Дилмур тонги" кичик корхонасида айни пайтда 40 нафардан зиёд ишчи меҳнат қилмоқда.

**Бахриддин САДРИДДИНОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**



Қорақалпоғистон Республикаси

**Тахиатош шаҳрида нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш сифати "Ақсунгул" кичик корхонаси қошида хориж асбоб-ускуналари билан жиҳозланган новвойхона ишга туширилиши натижасида янада яхшиланди.**

## Хориж технологияси асосида

— Ҳар куни 3 минг донагача қолипли буханка нонлари тайёрланади, — дейди корхона раҳбари Ҳолжон Рейимова. — Бундан ташқари, ҳар хил ширин кулчалар, ўн хил нон маҳсулотлари ёпилиб, истеъмолчиларга вақтида етказиб берилмоқда. 7 нафар йигит-қиз икки сменада фаолият кўрсатмоқда. Маҳсулотлар шаҳардаги мактабгача тарбия муассасаларига, касалхоналар ва ўнга яқин фермер хўжаликларига пешма-пеш етказиб беряпти. Буюртмачиларнинг талабларини ҳисобга олиб, Баркамол авлод йилида 200 тонна 20 хил нон ва нон маҳсулотларини истеъмолчиларга етказиб беришни режалаштирганмиз.

## Овуллар обод бўлмоқда

**Баркамол авлод йилининг дастлабки ойида Беруний тумани Шимом овул фуқаролар йиғини ҳудудидаги Кўккўз посёлкасининг 101 хонадони муносиб совға олди.**

Салкам 2 километр масофада махсус линия тортилиб, сифатли ичимлик суви келтирилди. Бу хайрли иш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва БМТ Тараққиёт дастури доирасида Оролбўйи ҳудудини комплекс ривожлантириш лойиҳаси асосида амалга оширилди. Лойиҳага биноан экологик мураккаб вазиятда яшаб меҳнат қилаётган аҳоли турмуш тарзини яхшилаш мақсадида олис овуллар инфратузилмасини такомиллаштириш тадбирлари Мўйноқ, Тахтакўпир, Чимбой ва Беруний туманларида йил охиригача давом этади.

**Абдураҳмон ИСКАНДАРОВ**

Сурхондарё вилояти

Ибрат

# Носирхон отанинг тажриба мактаби

**Сариосиё туманининг аксарият майдонлари лалмидан иборат бўлиб, бир пайтлари асосан яйлов сифатида фойдаланилган. Истиқлол йилларида бу ерлар ўзлаштирилиб, боғу бўстонга айлантирилди. Биз сўз юритмоқчи бўлган чексиз қирлар ҳам инсон меҳнати билан яшнамоқда. Ҳозирда бу ерларнинг "Боғу бўстон" фермер хўжалиги деб юритилиши бежиз бўлмаса керак.**

Бу боғдорчилик фермер хўжалиги ҳақида нафақат Сурхон воҳаси, балки республикамизнинг кўплаб боғбонлари жуда яхши билишади. Унга тажрибали кекса боғбон Носирхон ота Тўрақулов етакчилик қилади. У киши бир пайтлар Тоқчи қишлоғида дастлаб кўчатчилик звеносини ташкил қилганди. Бу жойнинг тупроғи лалмикорликка мослашган ва намликни ўзида узоқ вақт сақлай олиш хусусиятига эга. Қишлоқнинг атрофини қир-адирлар ўраб олган. Миришкор ўша кезларда Ҳасанхон, Зарчоб ва Тоқчи қишлоқларидаги 68 гектарда боғдорчилик бригадасини тузиб, тоғолди, адир ҳудудларини лалми боғ-роғлар бўлишида катта ҳисса қўшди.

Ўшанда Носирхон ота лалми ерларда боғ барпо этишни амалий синовдан ўтказиш мақсадида 3 гектарга олманинг сувсизликка чидамли "Кремсон" ва "Голден" навли кўчатларини ўтқазганди. Дастлабки йиллар боғ қатор ораларидан 150 тонна полиз ва 2,5 тонна кунжут маҳсулотлари олинган бўлса, кейинчалик 110 тонна ҳўл мева ва 5 тонна узум етиштирилди.

**..."Боғу бўстон" фермер хўжалиги боғдорчиликда аллақачон ибрат мактабига айланиб қолган, десак муболаға бўлмайди. Боғбондан соҳа сирларини ўрганиш учун узоқ-яқиндан келаётган одамларнинг оёғи узилмайди...**

Ўтган даврдаги иқтисодий ўсишлар ўз самарасини берди: фермер хўжалиги ўнлаб ҳайдов ва қатор ораларига ишлов берувчи транспорт воситалари, автоуловлар, кўплаб техника жиҳозлари билан бойиди, қўшимча чорвачилик, асаларичилик тармоқлари ривожлантирилди. Шунингдек, олинган соф даромадлар ҳисобидан банк бўлимида катта миқдордаги пул айланмаси жорий этилди ва бу маблағлар ишчи-ходимларни моддий рағбатлантириш, уларга муносиб меҳнат шароитларини яратиш ҳамда қишлоқ аҳолиси учун кўплаб саховатпешалик ишларига йўналтирилди.

Тажрибали деҳқоннинг боғдорчилик соҳасидаги амалий ва захматли меҳнати кўпларга ибрат бўла олади. Носирхон ота ноқулай об-ҳаво шароити, ёғингарчилик камлиги ва тупроқнинг нам сақлашини ҳам эътибордан четда қолдирмаган.

Дарвоқе, у кишининг республикамиздаги тоғолди адир минтақаларида лалми боғдорчиликни ташкил этиш ва уни янада ривожлантириш билан боғлиқ иш тажрибалари ҳамда бир қанча тавсиялари вилоятда кенг оммалашган. Шу боисдан Президентимиз Фармонига кўра Носирхон Тўрақулов "Шуҳрат" медали билан тақдирланганлиги унинг меҳнати қадр топганидан далолат беради.

Миришкорнинг боғларида бўлганимизда кеч куз — айни пишиқчилик пайти эди. Катта-катта майдонларда тартиб билан экилган олма дарахтларининг беҳисоб ҳосили кўзни қувонтирарди. Ҳар бир дарахт 300 килограммгача ҳосил бериб, гектаридан 25-30 тоннагача мева олиш мумкинлигини ишловчилар алоҳида таъкидлашди. Бу ерлар худди тажриба масканига ўхшайди. Боғбоннинг қизиқувчанлиги туфайли янги олмазорнинг бир четкасига эрон пистасининг ниҳоллари ҳам экилибди.

— Уч йил аввал тажриба учун эрон пистаси кўчатларини олиб келиб ўтқаздик, — дейди Носирхон ота, — ниҳоллар тупроғимизга кўникди. Мана бу йил илк ҳосилини кўрсатди.

Фермер хўжалигида 30 нафар киши ишлайди. Бахтиёр Иномов, Темурхон, Зикрилла, Оппоқхон, Нуриллахон Тўрақуловлар, Назокат Султонова, Зулайҳо Холмирзаевалар боғроғларнинг гуллаб-яшнашига муносиб ҳисса қўшишмоқда. Шу боис ҳам натижалар қилинган меҳнатга яраша бўляпти.

Ўтган мавсумда "Боғу бўстон" фермер хўжалиги аъзолари 200 тонна мева сотишди, пахта ва ғалладан ҳам кўзланган мақсадга эришилди. Чорвачиликда қўй-қўзиларнинг сони 300 бошга етди, харажатлардан ташқари 150 миллион сўм соф даромад олинди. Жамоа аъзолари юрт фаровонлиги, қишлоқлар ободончилиги йўлида ҳам кўплаб хайрли ишларни қилишмоқда. Дўстлик СФУсига қарашли Гулшан маҳалласига тоза ичимлик суви чиқарилиб, аҳолига 17 бош қўй хайрия сифатида улашилди. Хўжалик ҳисобидан 50 нафар киши Самарқанд, Бухоро, Термиз, Шаҳрисабз каби шаҳарларга саёҳат қилиб келди. Тоқчи қишлоғига табиий газ ўтказиш учун 49 миллион сўм маблағ ажратиб, Зарчоб қишлоғида эса кўприк қуриш ишлари бошлаб юборилди. Гулшан маҳалласининг 2,5 километрлик йўлига яқин вақтлар ичида асфальт ётқизиш режалаштирилган. Бундан ташқари, кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилаларга ҳам моддий ёрдам кўрсатилаётир.

**Юсуфжон ҲАМДАМОВ**

# Фитосанитар тозаликни, хавфсизликни таъминлашга масъулмиз

**Ўсимликлар карантини Бош давлат инспекцияси ва тизим ташкилотлари томонидан чет давлатлардан ўта хавфли, ҳозирги кунда дунё бўйича рўйхатга олинган 335 дан ортиқ ҳар хил турдаги ўсимликлар карантин организмларининг ҳудудимизга кириб қолиши ва тарқалишига йўл қўймаслик ҳамда республикада мавжуд 10 та карантин организмларининг тоза ҳудудларга ёйилишига йўл қўймасдан республика ҳудудининг фитосанитар тозалигини таъминлаш ишлари олиб борилмоқда.**

"Ўзбошдавкарантин" инспекцияси тизимида республика Ўсимликлар карантини илмий маркази, Қорақалпоғистон Ўсимликлар карантини Бош давлат инспекцияси, 12 та вилоят ва Тошкент шаҳар ўсимликлар карантини давлат инспекцияларининг 88 та туман ва туманлараро ўсимликлар карантини давлат инспекциялари, 58 та ўсимликлар карантини чегара масканлари, Марказий карантин лабораторияси ҳамда 7 та вилоятлараро ўсимликлар карантини масканлари бирлашган. Бундан ташқари, унинг назорати остида 5 та интродукцион карантин питомниклари, 2 та оранжерея, ботаника боғи ва унинг жойлардаги филиаллари фаолият кўрсатади.

Бош инспекция томонидан унинг тизимида "Ўсимликлар карантини тўғрисида"ги қонунга асосан карантиндаги ўта хавфли организмларга қарши курашиш мақсадида жойларда ўз-ўзини маблағ билан таъминлайдиган ва хавфли организмларга қарши курашадиган 13 та зарарсизлантириш (фумигация қилиш) отрядлари ҳам тузилган.

Республикамизнинг фитосанитар тозалигини таъминлаш мақсадида четдан олиб келинаётган ўсимлик маҳсулотларига "Ўзбошдавкарантин" инспекцияси томонидан импорт карантин рухсатномаси берилади сўнг мамлакатимизга экспорт қилувчи давлатларнинг миллий карантин хизмати томонидан фитосанитар сертификати бўлган тақдирда рухсат этилади.

2009 йил давомида 8283 та импорт карантин рухсатномаси берилди, бу ўтган йилга нисбатан 2260 та кўп демакдир.

Мамлакатимиздан ташқарига карантин остидаги юкларни олиб чиқиш учун ҳам улар назоратдан ўтказилади ва фитосанитар тозалигига кафолат берувчи халқаро андозалардаги фитосанитар сертификат берилади.

Бу борада чет давлатлар билан ҳамкорлик ишлари амалга оширилди. Жумладан, 20 дан ортиқ давлатлар билан ўсимликлар карантини соҳасида битим тузилди ва айни пайтда Жанубий Корея, Хитой, Ҳиндистон, Малайзия, Таиланд қироллиги ҳамда Афғонистон билан ҳам истиқболли битимлар тузиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Кўзланган мақсадга эришиш йўлида тизим мутахассислари тадбирларини белгиланган тартибда амалга оширишмоқда. 2009 йилда четдан олиб келинган карантин остидаги 2516,9 минг тонна юк, 76 минг дона кўчат, айни вақтда республикамиздан четга экспорт қилинган 19453 минг тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, 2367 минг дона кўчат ҳамда транзит ҳолатидаги 132,7 минг тонна юклар карантин назоратидан ўтказилди. Экспортга жўнатилган юклар карантин назоратидан ўтказилиб, уларга 60733 та фитосанитар сертификат расмийлаштирилди.

Шунингдек, ўта хавфли карантин организмлари ана шу маҳсулотлар орқали келиб қолишининг олдини олиш мақсадида барча юклар чегара масканларида синчковлик билан ўрганилиб, заруrият туғилганда улардан намуналар олиниб, ўз вақтида лаборатория экспертизасида текшириб кўрилади.

2009 йилда жами 30991 намуна экспертизадан ўтказилди. Шундан 10428 таси энтомологик, 10306 таси фитопотологик ва 10257 таси герблогик экспертизани ташкил этди.

Экспертиза жараёнида баъзи карантин организмлар аниқланди. Масалан, зараркунандалардан аррасимон пўстлоқ кемирувчи қўнғизи, қизил померанц қалқондори, бегона ўтлар уруғидан ҳинд эшиноменеси, ёввойи кунгабоқар, эрмонбаргли ва кўп йиллик амброзия, зарпечак ҳамда судралувчи какра аниқланди. Бу ўсимлик маҳсулотлари карантин хизмати назорати остида қайта тозалаш учун махсус жойларга юборилди ҳамда уларнинг чиқиндиси белгиланган тартибда йўқ қилинди.

Республикамиз ички карантинига оид 10 та зарарли организм мавжуд бўлиб, улардан 6 таси шарқ мевахўри, калифорния қалқондори, колорадо қўнғизи, цитрус инли куяси, комсток қурти ва 4 таси эрмон баргли амброзия, судралувчи какра, зарпечак ҳамда девпечак бегона ўтларидир. Буларга қарши курашишда ҳам аниқ режалар асосида тадбирлар ўтказилмоқда.

"Ўзбошдавкарантин" ва унинг жойлардаги ташкилотлари томонидан ўсимликлар карантини тўғрисидаги қонун, қарор ҳамда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида тарғибот ишларини амалга оширишга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Чунончи, ўтган йил мобайнида радио, телевидениеда турли хил кўрсатувлар тайёрланди, матбуот нашрларида 226 та мақола чоп этилди, 817 та семинар уюштирилди. Шунингдек, карантин организмлар тўғрисида маълумот берувчи рангли плакатлар тайёрланиб, жойларга етказилди. Булардан кўзланган ягона мақсад бошқа давлатлардан хавфли зараркунанда, ўсимлик касалликлари ва бегона ўтларнинг ҳудудимизга кириб келишининг олдини олиш ҳамда ички карантиндаги зарарли организмларни тоза ҳудудларга тарқалишига йўл қўймаслик ва уларни йўқотишдан иборатдир. Бу масъулиятли вазифани уддалашда соҳа мутахассислари ҳамиша зийрак ва ҳушёрликни оширишга ҳаракат қилмоқда.

**Фарҳод ЗОҲИДОВ,**
**"Ўзбошдавкарантин" инспекцияси бошлиғи вазифасини бажарувчи;**
**Розиқ ДОДОЕВ,**
**инспекция бош мутахассиси.**



# АЁЛ ИШБИЛАРМОН БЎЛСА...

**рўзғорнинг баракаси ортиб, иқтисоди барқарорлашаркан, — дейди Жондор тумани "Тадбиркор аёл" уюшмаси раиси Манзура опа Саидова**

— Қишлоқларимизда яшайдиган аксарият аёллар тадбиркорликнинг ҳадисини олишяпти. Бири тикувчи бўлса, бошқаси зардўз, қандолатпаз, қўли гул ҳунарманд. Ҳатто, деҳқончилик, чорвачилик ва паррандачилик йўналишларида ҳам ўзларининг нималарга қодир эканликларини кўрсатишмоқда: меҳнат намуналарини кўриб, ҳайратланасиз. Агар аёлларга истеъдодларини намоён этиш учун имконият, етарли шарт-шароит яратиб берилса, рўзғорларига ва жамиятга кони фойда келтириши мумкинлигини меҳнатлари орқали кўрсатишмоқда.

Давлат дастурларидан келиб чиқиб, уюшмада ишлаб чиқилган алоҳида йўриқнома асосида қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларида тадбиркорликка қизиқиши ва имконияти бўлган аёллар билан учрашувлар ўтказиб, уларга амалий ёрдам ва маслаҳатлар берилмоқда. Саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, туманимизда тадбиркор аёлларнинг фаоллиги ортиб боряпти.

Масалан, "Карим Файзи" хусусий фирмаси раҳбари Сабоҳат Кулиева уюшмамизнинг амалий ёрдами билан кўзга кўринган тадбиркорлардан бирига айланди. Бугун у ишлаб чиқаришни шакллантиришдан ташқари масъул раҳбар ҳамдир. Унинг ошхонаси, тикувчилик ва 20 турдан ортиқ миллий пишириқлар ишлаб чиқарадиган цехлари бор. Бу ерда ўнлаб ёшлар иш билан банд бўлса, янги келаётганлари ҳунар сирларини ўрганишмоқда. Тадбиркорнинг бир талай режалари ҳам бор. Келгусида фаолиятини кенгайтириш ҳисобига ишлаб чиқариш жараёнига чет эл технологиясини киритишни мақсад қилиб қўйибди. Айни пайтда молия муассасалари билан ҳамкорлик олиб бормоқда.



Нодира Ражабованинг эса асли касби тиббиёт ҳамшираси. Унинг ҳаракатчанлиги, тиниб-тинчимаслиги, давр билан ҳамқадам юришга интилувчанлиги сабаб туманимизда "Ислом Ражаб" деҳқон хўжалиги ташкил этилди. Ҳозир қарамоғида 30 бош қорамол бор. Бир йилда 1500 тонна сут ва бир неча тонна гўшт ишлаб чиқараётган хўжаликнинг соф даромади 10 миллион сўмни ташкил этяпти. Ишни юритишда турмуш ўртоғи Ботир Аҳмедов, фарзандлари Жаҳонгир ва Наргизалар ёрдам беришмоқда. Даромад ҳисобидан қад ростлаган савдо дўконлари Оқработ қишлоғи аҳолисига беминнат хизмат кўрсатмоқда. Жорий йилда тадбиркор паррандачилик йўналишида иш бошлашни, ғишт заводи фаолиятини йўлга қўйишни ният қилган.

Бу каби тадбиркорлар туманимизда талайгина. Ҳар бирининг амалга ошираётган ишлари ҳам, келгусидаги режалари ҳам бисёр. Энг қувонарлиси эса, уларда келажакка ишонч ва янги ишлар сари интилиш бор.

**Ҳамроз АЛИ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

**Суратларда:** *"Карим Файзи" хусусий фирмаси раҳбари Сабоҳат Кулиева ва "Ислом Ражаб" деҳқон хўжалиги бошлиғи Нодира Ражабова.*

Бухоро Вилояти

---

**Тадорик**

**Мирзачўл тумани деҳқонлари дала ва техника воситаларини кўкламга ҳозирлаш ишларини ниҳоясига етказмоқдалар. Улар бу йил чигит экиладиган 13 минг гектар майдоннинг асосий қисмини текислаб, ярмидан кўпроғида шўр ювиш тадбирларини амалга оширишди. Экиш-тикиш ишларида қатнашадиган 286 та чопиқ тракторлари, шунча культиватор, 136 та экиш сеялкаси ва минглаб сихмолаларни таъмирлаш бугун-эрта якунланади.**

# Техник воситалар мавсумга шай

Техника воситаларини таъмирлаш, айниқса, туманнинг "Ўзбекистон" сувдан фойдаланувчилар уюшмасида сифатли ва уюшқоқлик билан бажарилмоқда. Уюшма марказий таъмирлаш устахонаси таркибида электр ва газ билан пайвандлаш, темирчилик, токарлик, бурғулаш ва дизель аппаратларини мослаш-созлаш цехлари ишлаб тургани темирчи-созловчилар ишларини осонлаштирмоқда. Ҳозиргача 24 та чопиқ трактори, 8 та чигит экиш сеялкаси, 25 та культиватор, 150 та сихмола, 4 та чизель ва бошқа техникалар сифатли таъмирланиб, тайёрлик чизиғига тизиб қўйилди.



**Суратда:** *таъмирчи Шухратжон Умматов*
**Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ олган сурат.**

Жиззах Вилояти

---

# Сара уруғлик — юқори ҳосилга пойдевор

**"Малик" пахта уруғчилиги корхонаси Сирдарё вилоятининг Гулистон, Боёвут, Сардоба, Сайхунобод ҳамда Сирдарё туманлари фермер хўжаликларига ғўзанинг "Ан-Боёвут-2", "Оқдарё-6", "Кўпайсин" навлари уруғини етказиб бераётир. Уруғчилик корхонаси ўтган йили вилоятдаги бешта туманни 1900 тоннадан ортиқ уруғлик чигит билан таъминлади. Шунингдек, Андижон, Наманган вилоятлари пахтакорларига ҳам 120 тоннадан зиёд уруғлик етказиб берилди.**

170 нафардан ортиқ мавсумий ишчи меҳнат қилаётган корхона жамоаси бу йил вилоят деҳқонларига 2040 тонна туксиз, 500 тонна тукли "Ан-Боёвут", шунингдек, "Кўпайсин", "Оқдарё-6" навлари уруғлик чигитини етказиб беришга бел боғлашган. Айни вақтда цехларда кунига 45 тонна туксиз, 18-20 тонна тукли чигит сараланиб, дориланиб, алоҳида омборларга ғамлаб қўйилаётир. Модернизациялаш ишлари амалга оширилган бир мавсумда 2900 тоннагача уруғни саралаб, ажратиб бериш қувватига эга бўлган корхонада "Пектус" ва "Жибус" тозалаш агрегатлари бир маромда ишлаб турибди.

Эътиборлиси, корхонада саралаб, тайёрланаётган уруғнинг 90 фоизи биринчи ва иккинчи репродукцияли чигитни ташкил этади.

**Бозорбой БЕКМУРОДОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Сирдарё Вилояти

---

**Деҳқон ва фермер хўжаликлари раҳбарлари диққатига!**

# Шоли ва соя уруғлари сотилади

Ўзбекистон Шоличилик илмий-тадқиқот институти шолининг юқори сифатли суперэлита ва элита уруғликларидан узун гуручли "Лазурный", "Искандар" (Аланга-3), "Истиқлол" навларини ҳамда юмалоқ гуручли "Авангард", "Мустақиллик", "ЎзРОС-7/13", "Истиқбол" навларини, соянинг "Ўзбек-6" ва "Орзу" навли элита уруғларини ўз омборидан келишилган нархларда сотади.

| ШОЛИ НАВЛАРИ | ЎСУВ ДАВРИ |
|---|---|
| 1. "Авангард" | 117-125 кун |
| 2. "ЎзРОС-7/13" | 135-140 кун |
| 3. "Искандар" (Аланга-3) | 118-122 кун |
| 4. "Мустақиллик" | 137-142 кун |
| 5. "Истиқлол" | 125-127 кун |
| 6. "Истиқбол" | 115-120 кун |
| 7. "Лазурный" | 128-132 кун |
| **СОЯ НАВИ** | **ЎСУВ ДАВРИ** |
| 1. "Ўзбек-6" | 140-145 кун |
| 2. "Орзу" | 95-100 кун |

**МАНЗИЛИМИЗ:** 111506, Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ тумани Шоликор маҳалласи, Ўзбекистон Шоличилик илмий-тадқиқот институти.
**Тел:** (+998) 90-316-05-95, (+998) 90-316-05-94, (+998) 90-919-11-60.
**E-mail:** saimnazarov@gmail.uz

---

# Четни кўзлаган "КамАЗ"лар

## ҳамда улардаги пиёз, лимон, олмалар хусусида

**Бозорларимиз қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига сероб, мева-чева танқислигини кузатмайсиз ҳам. Бунинг боиси серқуёш заминимиз ва заҳматкаш бободеҳқонларимиз меҳнати шарофатидир. Яна бир омили эса қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини талон-тарож қилиб, четга пуллашни кўзлаганлар учун "эгри" йўлларнинг беркитилгани ҳамдир.**

Божхоначилар томонидан эл ризқини туя қилишга уринган "сохта" тадбиркорларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари ўз вақтида фош этилмоқда.

Сирдарё божхоначилари Ховос туманида ҳаракатланаётган "Зил" юк автомашинасини назоратдан ўтказишганда, тегишли ҳужжатларсиз 6 тонна пиёз ортилганлигини аниқлашди. Шу туманда истиқомат қилувчи Ғ.Худайназаров пиёз маҳсулотини қўшни давлатга олиб чиқиб, пуллашни режалаштирган экан.

Шунингдек, вилоят божхоначилари 9 тонна лимон ва салкам 4 тонна картошканинг ноқонуний олиб кетилишига чек қўйишди. Шу маҳсулотлар ортилган "КамАЗ" юк машинаси Сирдарё туманида божхона назоратидан ўтказилганда, ҳайдовчи Д.Атабаев салкам 25,5 миллион сўмлик юкларга тегишли ҳужжатни кўрсата олмади.

Қонунбузарлар У.Кимсанов ва Қ.Абдураҳимовлар ҳам 12 тонна олмани "КамАЗ"да тегишли ҳужжатларсиз довондан олиб ўтишни режалаштириб адашишган эди. Наманган божхоначилари қиймати 16 миллион сўмдан зиёд олмани ноқонуний олиб ўтилишига ўз вақтида чек қўйишди.

Андижон вилояти Пахтаобод туманининг қўшни давлат билан чегарадош ҳудудларида ҳаракатланаётган "КамАЗ" юк машинаси божхоначиларда шубҳа уйғотди. Автоуловга тегишли ҳужжатларсиз 15 тоннадан ортиқ пиёз юкланган экан. А.Болтабоев уч миллион сўмлик пиёзни қўшни давлатга олиб чиқишга уринганда қармоққа илинди.

Сирдарё вилояти божхона бошқармаси ходимлари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакилларининг ҳамкорликда ўтказилган тезкор тадбири давомида йирик миқдордаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ноқонуний олиб чиқилишига чек қўйилди. Қўшни давлат фуқароси Ҳ.Жорабоев ўзи бошқарувидаги "КамАЗ"га қиймати салкам 163 миллион сўмлик маҳсулотларни, шу жумладан, 36 хилдаги қуруқ меваларни (бодом, шўрданак, майиз, ўрик қоқи, ерёнғоқ, ёнғоқ, олхўри қоқи ва ҳ.к) сохта ҳужжатлар асосида ортиб, юртимиздан олиб чиқишни кўзлаган экан.

Рақамларга мурожаат қилсак, ўтган йилда божхоначиларимиз томонидан аниқланган 3700 га яқин қонунбузарлик ҳолатларида қиймати 4,1 миллиард сўмлик, салкам 4,9 минг тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилди.

**Ҳусен ТАНГРИЕВ,**
**Давлат божхона қўмитаси Матбуот хизмати инспектори.**

---

Қашқадарё Вилояти

**Чорвачилик**

# Ёрдамчи хўжалик имкониятлари

**Мамлакатимизда сердаромад тармоқ - чорвачиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Шахсий, ёрдамчи хўжаликларни ташкил этиш, уларни қўллаб-қувватлаш натижаси ютуқларда намоён бўлаётир. Буни "Шўртаннефтгаз" унитар шўъба корхонасига қарашли чорвачилик тармоғи мисолида ҳам кўриш мумкин.**

2008 йил май ойида битказилмасдан қолган чорвачилик биносини қайтадан таъмирладик. Шу йилнинг октябрь-декабрь ойларида Украинанинг Днепропетровск вилояти Покровский туманидан 300 бош қизилола, қизил-чўл зотли қорамоллар келтирилди. 2009 йилнинг июнь ойида эса қорамоллар сони 241 бошга ортди. Натижада, 541 бош зотли қорамоллардан 301 бош бузоқ олинди. 4,5 миллиард сўмга келтирилган ушбу зотли қорамолларнинг маҳсулдорлиги кун сайин ортиб боряпти. Ҳар бир сигирдан 21-23 литрдан сут олинмоқда. Бу эса қайта ишлаш саноатини юзага келтиришни тақозо этмоқда. Яқинда унитар шўъба корхонанинг бевосита ҳомийлигида 8 миллион сўмга сутни қайта ишлаб, 12 турдаги маҳсулот ишлаб чиқарадиган ускуна хориждан келтирилди. Айни пайтда ушбу жиҳозни монтаж қилиш ишлари давом этаяпти. Бу ускуна ишга тушгач, кунига 10 тонна сутни қайта ишлайди. Натижада янгидан 15 га яқин ишчи ўрни яратилади. Бундан ташқари, сигирларни соғишда ҳам замонавий, энг сўнгги технология олиб кирилди.

Чорвачилик тармоғимизда учта "МТЗ-80" транспорт трактори, 2 та "МТЗ" русумли механизм, "ДТ-75" ҳайдов трактори мавжуд. 1367 гектар лалми, суғориладиган ер майдонига эгамиз. Ишни бир маромда боришини таъминлаш мақсадида тумандаги "Олмос камар дурдонаси" фермер хўжалиги биносини ижарага олдик. 2009 йилда 378 тонна сут сотдик.

Янги йилда хориждан яна зотли сигирлар олиб келинди. Бунда вилоят "Насл хизмати" МЧЖнинг амалий ёрдами катта бўлди. Ҳозирги кунда 1019 бош қорамоллардан ҳар куни 3200-3500 литр сут соғиб олиняпти. Йил охиригача бузоқлар бош сонини 800 тага етказмоқчимиз. Бир йилда минг тонна сут ишлаб чиқариш имкониятига эга бўламиз. Бу билан унитар шўъба корхона ва унинг тизимидаги ташкилотларни сут ва сут маҳсулотлари билан таъминлаш қаторида Қарши шаҳри, Ғузор, Деҳқонобод, Нишон, Қарши туманларига ҳам сифатли маҳсулотлар етказиб берамиз.

**Қаноат САРИҚОВ,**
**"Шўртаннефтгаз" унитар шўъба корхонасига қарашли чорвачилик тармоғи раҳбари.**

---

**Самарқанд вилояти фермерлари билан бўлган мулоқотда "Деҳқонларимиз омочга қадар ерни қандай юмшатганлар?" деган савол ўртага ташланди ва бунга мутахассислар атрофлича жавоб беришга ҳаракат қилишди.**

# Деҳқончилик тарихига бир назар

Инглиз олими Ч.Дарвин асарларидан ушбу саволга маълум даражада жавоб топиш мумкин. Деҳқончилик тарихида ҳозирги омочнинг илк кўринишлари одамзод ўтроқ яшашга ўрганиб, деҳқончилик билан шуғуллана бошлаганида эҳтиёж сезганлиги боис вужудга келган, дея фараз қилинади. Бу даврга тахминан 5 минг йил бўлган, темир омочнинг ихтиро қилинганига эса 2500 йил, ғилдиракли омочга 1000 йил, буғ билан ҳаракатга келадиган омоч эса 1832 йилда инглиз ихтирочиси томонидан яратилганлиги маълум. Албатта, улар даврлар ўтиши билан аста-секин такомиллашиб борган ва шу тариқа деҳқончиликда ҳозиргидек ерни чуқур (30-40 см) ҳайдашга мослаштирилган. Шунингдек, тупроқ юзасини алоҳида юмшатиб, бегона ўтларга қарши курашиш мақсадида ерни ағдариб ҳайдаш ҳам қўлланилган. Чунки дастлабки омоч турлари ерни ағдармасдан ҳайдашга мўлжалланган бўлиб, улар тупроқ қатламини юзасини юмшатиб кетган.

Натижада, бундай агротехник усулда тупроқ эрозиядан сақланиб, унинг унумдор қатламига алоҳида эътибор берилган. Шу тариқа ғалла экинларининг илдиз қолдиқлари ҳисобига тупроқда чиринди миқдорининг ҳам ортишига замин яратилган. Ҳозирги деҳқончилигимизнинг илк кўринишлари ўрмон ва дашт минтақаларидан бошланган, кейинчалик инсоннинг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи ўрмон егуликлари ҳисобига кун кўришдан ўтроқ ҳаёт орқали экин-тикин қилиши боис, иш қуролларининг юзага келишига сабаб бўлган.

Сўнгра саноат, фан-техниканинг тараққий этиши ер ва деҳқончилик тармоғига муносабатни бутунлай ўзгартириб юборган. Маҳсулотни кўп миқдорда етиштириш тупроқни чуқур ҳайдаб ўғитлаш, бегона ўтларга қарши кимёвий моддаларни қўллашга олиб келди.

Бир сўз билан айтганда, XX аср деҳқончилиги техноген (ўғит, техника, ёқилғи, заҳарли моддалар ва бошқа) омиллар эвазига ривожланиши атроф-муҳит ва инсон саломатлигини ҳам хавф остига қўйди. Шу боис кўплаб давлатларда биоэкологик деҳқончилик, ерни кам ёки мутлақо ҳайдамай деҳқончилик қилиш, кимёвий ва заҳарли моддалардан воз кечиш каби замонавий усулларга ўтилмоқда. Зеро, табиатдаги хилма-хиллик ва ўзаро мувозанатни шу орқалигина маромлаштириш мумкин экан. Бу ўз навбатида тупроқни асраб-авайлаш, муҳит тозалиги ва сифатли маҳсулот етиштириш негизида инсон саломатлигини муҳофаза қилиш демакдир.

Хўш, бундай усулда ерга қандай ишлов берилади? Ерни ағдариб эмас, балки осиёликлар усулида уни юмшатиш орқали ишлов берилади. Бошқача айтганда, ҳар 4-5 йилда бир марта чуқур юмшатиш ёки энг қизиғи шундаки, ушбу муҳим ва энг нозик агротехник тадбирни чувалчанглар ёрдамида адо этиш мумкин бўлади!

Ҳа, табиатда ана шу кичик жониворлар тупроқнинг беминнат юмшатувчилари бўлишган. Улар кўп меҳнатлари эвазига катта миқдордаги тупроқ заррачаларини ҳазм қилиб, элашади ва сўнгра эса уни донадор шаклга келтиришади. Буни қарангки, бунда тупроқ донадор, унумдор ва эрозияга бардошли бўлибгина қолмасдан, балки арзон, сифатли ҳамда экологик тоза маҳсулот ҳам етиштирилади. Ваҳоланки, биз анъанавий усуллар ёрдамида чувалчангларга қирон келтириб, ерни ундан мосуво айладик ва натижада тупроқда чувалчангни топиш мушкул бўлиб қолди.

Қисқаси, тупроққа омоч билан енгил ва ағдармай ишлов берсак, чувалчангларнинг сони ортиб, табиат экотизимидаги барча жонзотлар сақланиб, маҳсулотлар эса мўл-кўл бўлар экан. Шу ўринда, юқорида номи қайд этилган олимнинг "Омоч инсон томонидан ихтиро қилинган муҳим қуроллардан бири... Унинг яратилишига қадар табиатда тупроққа чувалчанглар билан... ишлов берилган", деган фикрини келтириш жоиз. Зеро, деҳқончиликнинг неча минг йиллик тарихини чуқур ўрганиш, таҳлил этиш, сабоқ олиш доимо мақбул ечимлар топишга кўмаклашади.

**Хидирали БОТИРОВ,**
**қишлоқ хўжалиги фанлари доктори.**
**Раъно АБДИМЎМИНОВА,**
**Самарқанд давлат университети магистранти.**

---

Фарғона Вилояти



Бағдод туманидаги Зафаробод қишлоқ фуқаролар йиғинида жойлашган 225-милиция таянч пункти шу йил январь ойида ўтказилган "Энг намунали милиция таянч пункти" республика кўрик-танловида Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятлари бўйича биринчи ўринга сазовор бўлди.

Милиция таянч пункти қошида ташкил этилган кутубхона, спорт майдончаси қишлоқ ёшларининг севимли масканига айланган. Бу ерда очилган тикувчилик цехида хотин-қизлар даромад топиш имконига эга бўлмоқда.

**Суратларда:** *Зафаробод қишлоқ фуқаролар йиғинида жойлашган 225-милиция таянч пункти профилактика инспектори, лейтенант Алишер Деҳқонов;*

*фуқаролар йиғинида жойлашган 225-милиция таянч пункти қошидаги тикувчилик цехи чеварлари Дамира Иброҳимова ва Ирода Аҳмадалиева.*

**Муқимжон Қодиров (ЎзА) олган суратлар**



---

Қорақалпоғистон Республикаси

*Қоракўлчилик*

# Чўпон қўлида таёқ, чўнтагида эса мобиль телефон

**Тахтакўпир туманидаги Дуйсенбой Ўринбоев раҳбарлик қилаётган "Мулк" қоракўлчилик ширкат хўжалиги Нукус шаҳридан 150 чақирим олисликда жойлашган. Бугунги тезкор даврда сурув ортидан юриб қўй боқаётган аксарият чўпон-чўлиқларнинг мобиль телефонда гаплашаётганлигини кўриб, ҳеч ажабланмасангиз ҳам бўлади.**

150 минг гектарлик ҳудудни эгаллаган яйловларда айни кунларда 25 минг 925 бош қўй-қўзи парваришланмоқда. Талғот Санбоев чўпонлик таёғини отаси Санбой оғадан қабул қилиб олганига узоқ йиллар бўлди. У ҳар мавсумда ўз зиммасидаги режаларни ошириб уддалаб келади. Эътиборга молик жиҳати шундаки, ширкат овулларида умргузаронлик қилаётган барча чўпонлар ўз шахсий автоулови ва аравачали мотоциклларига эга. Қуёш нуридан қувват олаётган батареялар ёрдамида олис-олислардаги ўтовлар кечқурунлари ҳам ёруғ ва чароғон бўлиб турибди.

"Қўнғиротқўл" қоракўлчилик ширкат хўжалиги Тахтакўпир туманидаги пешқадам жамоалардан бири. Бу ерда Узоқберган Рисгилдиев, Сокин Кенжабоев, Жарғибой Сахабоев сингари ўз ишининг устаси бўлиб танилган бош чўпонлар, тажрибали соҳа ходимлари кўпчиликни ташкил этади. Ҳозирда улар қишловни талафотсиз ўтказишга астойдил ҳаракат қилишмоқда.

— Ҳозирги кунда ширкатимизнинг 147 минг гектарни ташкил этган яйловларида 13 минг 400 бош қўй-қўзи, 160 бош йилқи боқилмоқда. Улар парвариши 19 та отардаги оилавий пудратчиларга ишониб топширилган, — дейди ширкат раҳбари Сахратдин Бекназаров. — Баҳорда совлиқлардан олинадиган қўзиларнинг асосий қисми ўстиришга қолдирилиши режалаштирилган. Ачибилоқ, Қонишли, Житикори сингари яйловларимизда 55 та сув чиқарадиган қудуқлар бор.

Чорвачилик сермашаққат, шу билан бирга, ғоят масъулиятли соҳа. Шу сабабдан ҳам чўпонлар сафига кўпроқ ёш, изланувчан чўпонлар, келиб қўшилмоқда. Бизда одамлар орасида отарлар талаш. Овулларимизнинг қиёфаси тубдан ўзгарди. Мактаблар, қишлоқ врачлик пунктлари аҳоли хизматида. Овулимиздаги ўндан ошиқ чўпон хонадонларида тўй-томошалар бўлиб турибди. Буям чўпон-чўлиқларимизнинг астойдил меҳнати натижасидир.

* * *

Жониворларни соғлом қилиб боқиш учун уларга зарур ветеринария хизмати кўрсатиш лозим. Акс ҳолда кўзланган натижаларга эришиб бўлмайди. Чунки касал жонивордан соғлом насл, қимматбаҳо хомашё олиб бўлмайди, — дейди Тахтакўпир туманидаги бўрдоқичилик пункти раҳбари Малик Ибрагимов. — Шу боисдан ҳам биз Самарқанддаги Ўзбекистон Ветеринария илмий тадқиқот институти ҳамда Ўзбекистон Қоракўличлик ва чўл экологияси илмий тадқиқот институтларининг изланувчан олимлари билан ҳамкорликда ишлаб келяпмиз. Натижалар эса ёмон эмас. Масалан, бош чўпонлар Ниятбой Нуриков, Кенжагул Эшмеханова отарларида бу ҳамкорлик ўзининг яхши самарасини беряпти.

Ширкат мутахассислари тез-тез отарларда бўлишиб, қўйларни ветеринария кўригидан ўтказишмоқда. Чўпонларга, пудратчиларга йўл-йўриқ ва маслаҳатлар бериб келинмоқда. Овулда истиқомат қилаётган аҳоли учун барча қулайликлар яратилган. Одамларнинг яшаш шароитлари йилдан-йилга яхши томонга ўзгариб бормоқда. Олий ўқув юртларида таҳсил олаётган ёшлар эса бу ерда сероб.

Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикасининг бир миллион олти юз олтмиш гектарни ташкил этган яйловларида етарли миқдорда қўй-қўзи, туя, йилқи, қорамол меҳр билан парвариш қилинмоқда. Барча ширкат хўжаликларида қишки мавсумни беталафот ўтказиб, баҳорги тўл олиш мавсумини муваффақиятли ўтказишга ҳаракат қилинмоқда.

**Улуғбек ЖУМАЕВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Тошкент вилояти

# "Бўстон" бағрида

**Чирчиқ шаҳрининг шундоққина биқинида жойлашган "Бўстон" санаторийсига кириб боришингиз билан сизни ажиб бир манзара ҳайратга солади. Икки ён томони кўп йиллик арчалар қуршовидаги йўлаклардан қадам ташлар экансиз, ўзингизни ғоятда енгил ҳис этасиз.**



"Бўстон" сиҳатгоҳи 204 ўринга мўлжалланган бўлиб, юрак-қон томир, асаб, ҳаракат-таянч тизимлари, урологик ва гинекологик касалликлар бўйича дам олувчиларни қабул қилади. Санаторийда барча физиотерапевтик муолажалар ҳам мавжуд. Парафин, балчиқ, уқалаш хоналари, кислородли кўпик хонаси, даволаш машқлари ўтказиладиган хоналарда даволанувчилар ўзларига керакли бўлган тиббий ёрдамларни оладилар, саломатликларини тиклайдилар. Сув билан даволаш бўлимида эса хаста кишилар ўзларига шифо излаб, танлари яйрайди. Минераллашган сувлар бўлган мазкур бўлимда турли хил душлар, ванналар, сув остида уқалаш каби муолажалар ўтказилади.

— Сув билан даволаш асосан асаб тизими касалликларининг даво топишида, юрак-қон томирларда қон айланишини яхшилашда катта самара беради, — дейди сиҳатгоҳнинг кардиология бўлими олий тоифали шифокори Муҳаббат опа Йўлдошева. Ванна, душ қабул қилинганидан сўнг бериладиган ҳар хил гиёҳлардан тайёрланган дамламаларнинг ҳам кишилар саломатликларини тиклашдаги аҳамияти катта.

Сиҳатгоҳда булардан ташқари ошқозон-ичак хасталикларини даволаш ҳам йўлга қўйилган бўлиб, ичаклар ҳар хил гиёҳлар ёрдамида ювилади. Игна билан даволаш, кислородли кўпик ичиш, тишларни даволаш ва ясама тишлар қўйиш, ЭКГ, УЗИ, мелотерапия хоналари шифокорлари дам олувчиларнинг тезроқ соғайиши ва саломатликларини мустаҳкамлашлари йўлида бор билим ва кўникмаларини ишга соляптилар. Асаб касалликлари шифокори Раъно Рўзметова, олий тоифали шифокорлардан Манзура Холмирзаева, Адолат Шодиева, ҳамширалардан Мастура опа Орипова, Шаҳло Шукурова, Маҳфуза Рисқиевалар хизмати ва ширинсуханлигидан барча мамнун.

Саломатлик



"Бўстон" сиҳатгоҳи МЧЖ директори Бахтиёр Махмадалиев бизни амалдаги йилда қилинадиган ишлар режаси билан таништирди. "Бу йил ётоқхоналар замонавий талабларга мос равишда таъмирланади, 260 ўринга мўлжалланган ошхона мажмуаси қуриб битказилади".

Дарҳақиқат, ана шу ишлар амалга ошса, сиҳатгоҳ янада гўзаллашади, ҳақиқий "Бўстон"га айланади.

**Холмурод ҚУРБОНОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**
**Р.ГАЛИЕВ олган суратлар.**

---

**— "Ужас" кино борми? — дейди ҳар хил диск сотаётган сотувчига болакай.**
**— "Вампир"-чи, "Вампир" борми? — дейди унинг ёнидаги шериги дискларга ёпишганча.**

# Қандай кино кўряпсан, болажон?



Ҳар икки болакай кўришни истаётган киноларнинг номиёқ кишини сескантиради. Рости, ҳалигача бундай кинофильмларни кўришга юрагим дов бермайди. Худди шундай киноларнинг бошланишида "Асаб тизими, руҳияти бўшлар кўрмасин", деган огоҳлантиришлар ҳам бор. Аммо болаларнинг эндигина шаклланаётган онгига бу кинофильмлар қай даражада таъсир қилади? Узлуксиз ур-йиқит, қийноқ, қонли жангларни кўрган болалар онгида, руҳиятида бузилиш бўлмайдими?

3 ёшида кичкина кучукнинг олдига вовуллаб чиқишидан қўрққан қизалоқнинг эпилепсия — тутқаноқ бўлиб қолганининг гувоҳи бўлганман. Ҳозир у 24 ёшга кирган бўй қиз, лекин ҳамон шу касалликдан азият чекади. Қоронғу ертўлада 10 дақиқа қолиб кетган болакай энди катта киши — лекин руҳан касал. Бундай мисолларни истаганча келтириш мумкин. Чет эл кинофильмларида очиқ-ошкор кўрсатиладиган "қон сўрадиган одамхўрлар" бугунги кунда шунчаки оддий кино эмас. Уни кўравериб руҳияти бузилган инсонлар хусусида ҳужжатли фильмлар орқали уларнинг руҳий касалликлар шифохонасида даволанаётганини кўрсатишди. Чет элда ишланган "2012" кинофильми ҳозир машҳур бўлиб кетди. Фильмда қиёмат-қойим тасвирланган. Кўпчилик шу кинони жон-жаҳди билан ёпишиб кўрмоқда. Яқинда шундай киносевар дугонамнинг юз-кўзини учуқ босибди. Ҳа, десам "2012"ни кўриб кечаси билан ухлолмадим. Худди устимга вулқон отилаётгандек", дейди.

— Бу киноларни биз оилавий кўрамиз, — дейди аёллардан бири, — кўриб маза қиламан.

— Менимча, худди шундай киноларни кўриб болаларнинг кўзи пишади, ҳаётга тайёр бўлади, — дейди яна бир "киносевар".

Лекин бизни бошқа нарса ўйлантиради: ҳаётга нега энди салбий муносабат, салбий қарашлар билан тайёрланиш керак? Бизнинг ҳаётимиз "ужас", ур-йиқит, жанжал-тўполондан иборат эмас-ку!

Шундай экан, аввалambор, биз катталар фарзандларимизнинг қандай китоб ўқишию, қандай кино кўраётганини назорат қилиб боришимиз, уларга нафақат маслаҳат беришимиз, балки кўраётган фильм, компьютер ўйинларининг фойда-зиёни ҳақида тушунтиришимиз ҳам керак.

Худди ана шундай хориждан кириб келаётган ноқонуний дискларнинг ёш авлод тарбиясига салбий таъсир ўтказмаслиги учун республикамиз мутасадди ташкилотлари бир қанча ишларни амалга оширдилар. Яъни Давлат божхона қўмитаси маълумотларига қараганда Тошкент вилояти Янгийўл туманидаги буюм бозорида ўтказилган тезкор тадбир натижаларига кўра, Ж. исмли шахснинг ноқонуний хатти-ҳаракатларига чек қўйилди. Яъни унинг турли хил мазмундаги 4 миллион 250 минг сўмлик 2 минг донадан ортиқ DVD дисклари сотаётгани аниқланди. Андижон вилояти божхоначилари "Ўзбеккино" Миллий агентлигининг вилоят бўлими ҳамда бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда ўтган йилнинг биргина декабрь ойида ўтказилган тезкор тадбирлар давомида аниқланган 12 та қонунбузарлик ҳолатида салкам 5 минг дона турли сотишга ярoқсиз дисклар олиб қўйилган ва ушбу ашёвий далиллар ёқиб юбориш йўли билан йўқ қилинди.

Бугуннинг гапи

Тўғри, кимлардир бундай "бизнес"лар туфайли катта-катта даромад кўраётгандир. Аммо бундай "бизнес"лар туфайли болаларимизнинг болалиги қурбон бўлмаслиги керак!

Кино санъати жуда катта тарбия воситасидир. Шундай экан, фарзандларимизни ёт таъсирлардан, яъни диск тажовузидан, "ужас", "вампир"лардан ҳимоя қилиш учун барчамиз бирдек масъул эканлигимизни унутмаслигимиз керак.

**Барно СУЛТОНОВА,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

---

# Қабулхонада...

**Собиржон навбатдаги меҳнат таътилини тугатиб, ишга чиқди. Аввал бошлиқни йўқлай деб қабулхонага кириб келганида фаррош аёл стол, стулларни артиб чиқиб кетаркан, нималарнидир гапирди. Лекин Собиржон унга аҳамият бермади. Бироздан кейин эшик ғийқиллаб очилиб, хонада кўзойнак таққан Рустамжон пайдо бўлди.**

— Э, Собиржон, — деди у қучоғини очиб кўришишга шайланганча. — Қаёқдан кун чиқди? Неча йилдан бери энди учрашиб турибмиз.

— Бир туманда туриб учрашолмасак бу қандай гап. Ўзимиз сабабчимиз, ўзимиз, — тан олди Собиржон.

Икки дўст хизматлари, бола-чақа, оилаларидаги ўзгаришлар ҳақида мириқиб суҳбатлашишди.

— Учрашган жойимизни қара-я, — дейишди илжайишиб. — Сен ҳам бошлиқни кутяпсанми, мен ҳам шу идорага ишим тушиб келгандим. Бошлиқ эса йўқ. Ҳа, майли, келиб қолар. Кутмай кетиб қолсак тағин қачон ишимизни битирамиз.

Эшик тақиллаб мумкинми, деб телпакли отахон кириб келди.

Кичик ҳангома

— Эй, болаларим, — деди у қўл узатиб кўришаркан. — Биласанларми, сенларнинг оталарингнинг улфатиман. Хўп яхши одамлар эди.

Отахонга тўрдаги стулдан жой беришди. Ўтган-кетганларни эслашди. Ҳазил-ҳузул қилишди. Латифа айтишди.

Собиржоннинг нигоҳи бирдан девордаги соатга тушди.

— Вой, соат ўн бўлибди-ку. Бошлиқдан дарак йўқ. Тинчликмикан-а?

— Юқорида иши чиқиб қолгандир-да. Бўлмаса икки соат куттириб қўярмиди.

— Унда котибаси қани? Ахир, котибадан сўрашимиз мумкин эди-ку, бошлиқнинг қаердалигини.

Отахон телпагини қўлига олди.

— Бошлиқларга ҳам осон эмас. Кўпчилик билан ишлашнинг ўзи бўлмайди.

— Сизларни билмадиму, мен у ёқдан-бу ёқдан суҳбатлашиб маза қилдим.

— Мен ҳам! — деди Рустамжон.

— Ана энди ўзингизга келдингиз. Ҳа, қадрдон улфатларимнинг болалари-я. — деди отахон.

Эшик очилиб, пол артгич латтасини судраганча, фаррош аёл кириб келди.

— Ҳалиям шу ердамисизлар? Суҳбатингиз жа қизиди, шекилли. Ахир, эрталаб айтдим-ку, — у Собиржонга юзланди. — Қабулхона ҳам, бошлиқ ҳам нариги янги хонага кўчган, деб. Боришингиз мумкин. Бошлиқ ўзларидалар.

Учаласи хахолаб кулиб юборишди.

**Абдусаттор ҲОТАМОВ**

---

Қашқадарё вилояти

Тадбир

# Ёшлар экология ҳақида фикрлайди

**Ўзбекистон Экологик ҳаракати вилоят Кенгаши ва Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг вилоятдаги ахборот таҳлил маркази ҳамкорлигида вилоят ахборот-ресурс марказида "Экология ва ёшлар саломатлиги" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.**

Тадбирда вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, вилоят давлат санитария-эпидемиология назорати маркази, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси мутахассислари, Қарши давлат университети ва Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтлари ходимлари ва талабалари иштирок этдилар. Сўзга чиққанлар Қарши шаҳридаги экологик муҳит, таълим муассасаларидаги эпидемиологик-санитар ҳолат, ёшларда учрайдиган юқумли касалликларнинг олдини олиш йўллари ҳақида алоҳида тўхталдилар. Атроф-муҳитнинг бузилиши натижасида келиб чиқадиган касалликлар ва уларнинг олдини олиш хусусида мутахассисларнинг фикри тингланди.

Давра суҳбати иштирокчилари ёшларда экологик маданиятни тўғри шакллантириш, бу борадаги таълим-тарбия ишларини жонлантириш ҳозирги куннинг долзарб ва кечиктириб бўлмайдиган вазифаси эканлигини алоҳида таъкидладилар. Бундан ташқари, тадбир иштирокчилари ҳудудда сув таъминотини яхшилаш, хусусан, сувни қайта ишлайдиган корхона барпо этиш, Қарши шаҳридаги мавжуд сув тозалаш иншоотларини реконструкция қилиш, қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта ишлайдиган кичик корхоналар ташкил этиш, йод ва темир моддалари етишмовчилиги натижасида келиб чиқадиган касалликларнинг олдини олиш учун тарғибот ишларига катта эътибор бериш хусусида ўз таклиф ва мулоҳазаларини ўртага ташладилар.

**Ҳусан ТЕМИРОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

---




ФУТБОЛ

# "Хоразм" — «ПФЛ Кубоги-2010» соҳиби

***Футбол мавсумининг мамлакатимиздаги дастлабки турнири ниҳоясига етди.***



"Хоразм" жамоаси мавсумнинг илк мусобақасини ғолиблик билан бошлади. Финалда Урганч шаҳри жамоаси Тошкентнинг «Бунёдкор» жамоаси ўринбосарларига қарши тўп суришди. 14-дақиқада Вали Султонов шогирдлари ҳисобни очишди. Орадан кўп ўтмасдан ёш бунёдкорчи Дониёр Ҳасанов ҳисобни тенглаштирди. Бўлим якунланишига яқин "Бунёдкор" жарима майдончасида юзага келган вазиятдан Комил Жўраев унумли фойдаланиб, ҳисобни 2:1 га етказди.

"Хоразм" жамоаси ҳисобда олдинга чиқиб олгач, 52-дақиқадан бошлаб, майдонда бир киши кам бўлиб ҳаракат қилишига тўғри келди. Шунга қарамай, "Бунёдкор" аъзоларининг рақиб дарвозаси олдидаги барча уринишлари бесамар кетди ва "Хоразм" "ПФЛ Кубоги-2010" соҳиби булди.

# Ҳозирча АҚШ етакчи

vancouver 2010

***Ванкуверда давом этаётган Қишки олимпиада ўйинларининг олтинчи кунига келиб, эришилган ғалабалар сони бўйича АҚШ вакиллари етакчилик қилишмоқда.***



*Россия чанғичилари Никита Крюков ва Александр Панжинский чанғи бўйича мусобақаларда 1-2 ўринларни эгаллаб ўзига хос «дубль» қилишга эришди.*

Жами бўлиб америкаликлар 14 та медални қўлга киритган бўлса, шундан 5 таси олтиндир. Иккинчи ўринда 10 та медаль (3 таси олтин) билан Германия олимпия терма жамоаси бормоқда. Шунингдек, Швейцария ва Жанубий Корея олимпиячилари ҳисобида ҳам 3 тадан олтин медаль бор. Чанғичилари шарофати билан куни кеча битта олтин ва кумуш медални нақд қилган, бунгача 1 та бронзага эга бўлган Россия олимпия терма жамоаси 11-ўринни эгаллаб турибди.

Эслатиб ўтамиз, Ванкуверда бўлиб ўтаётган Қишки олимпиада ўйинларида Ўзбекистондан 3 та спортчи иштирок этади. 21 февраль куни тоғ чанғиси бўйича Ксения Григорьева ва Олег Шамаев, 23 февраль куни эса фигурали учиш бўйича Анастасия Гимазетдинова баҳсларга киришади.

**Азиз НУРУЛЛАЕВ**

---


Тошкент ш. Ер ресурслари ва Давлат кадастри бошқармаси томонидан Тошкент ш. Юнусобод т. Уста Ширин к. 83-уй манзилида жойлашган ишлаб чиқариш бинолари учун фуқаро Ниязматов Шодмон Ахтамович номига берилган реестр рақам 7-337/2005 бино ва № 8524354111 сонли ер кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ООО "KAMOL TOP" (ИНН 202610001), зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства Шайхантахурского р-на г.Ташкента, в соответствии с протоколом собрания учредителей № 4 от 15.02.2010 г., ликвидируется. Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления по адресу: г.Ташкент ул.Г.Гуляма 1. Тел.: 244-73-67.

ООО "ROLIKS DAYTONA" (ИНН 300599274), зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Чиланзарского р-на г.Ташкента, № 00332408 от 24.10.2007 г. расположенное по адресу: ул.Дружбы Народов д.1 (Решение директора о добровольной ликвидации) ликвидируется (протокол № 11 от 17.02.2010 г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления по тел.: 121-20-16.

ООО "SHARS-DALV PLYUS" (ИНН 300946451), зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Кибрайского р-на Ташкентской обл., № 2035 от 26.09.2008 г. (решение учредителя, протокол № 1 от 15.02.2010 г.) ликвидируется. Претензии принимаются в течение одного месяца со дня опубликования объявления по тел.: 721-44-22.

Утерянный диплом № 268260, выданный в 2000 г. Ташкентским Фармацевтическим медицинским институтом на имя Тагиева Вугара Туркан-оглы, считать недействительным.

Тошкент вил. Паркент т. Чанги қишлоғи 11-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2005 йили Бегабоев Санъатжон Бозорбоевич номига берилган шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ш. Учтепа т. ҳокимлиги томонидан 13 май 2009 йили якка тартибдаги тадбиркор Халиков Эркин Нигматович номига берилган реестрдаги тартиб рақами 0107081, гувоҳнома рақами № 01-05545 сонли гувоҳнома (патент) йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ЧП "ZAMONA RA'NO" (ИНН 206336995), сообщает о преобразовании в ООО "ZAMONA RA'NO". Претензии принимаются по адресу: Ташкентская обл. Паркентский р-н пос.Номданак. Тел.: (8-370) 756-51-62.

ООО "MEHR MURUVVAT SAVDO" (ИНН 206730729), зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Шайхантахурского р-на г.Ташкента, расположенное по адресу: г.Ташкент ул. Шомахмудовых д.128 (Решение собрание учредителей № 1 от 02.02.2010 г.) ликвидируется. Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления по тел.: 128-72-73.

ДХО "SAXOVAT QURILISH SAVDO" Сергелийского р-на г.Ташкента преобразуется на основании протокола от 15.01.2010 г. в ООО "SAXOVAT QURILISH SAVDO". Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления по адресу: г.Ташкент ул. А.Ахматова 3. Тел.: 258-25-47.

ООО "INTER-FOTO-KOM" (ИНН 204506057), Чиланзарского р-на г.Ташкента, сообщает, что общим собранием участников общества от 18.02.2010 г. принято решение об уменьшении размера Уставного фонда на 920 000 сум. Уменьшенный размер Уставного фонда общества составит 10 911 915 сум.

Утерянный гос.ордер № 01-02/3918 от 22.01.1993 г. права собственности на квартиру на имя Мусаевой Камилы Хамидулаевны, выданный БТИ Учтепинского р-на г.Ташкента, считать недействительным.

Об утере бланков нижеследующих страховых полисов по обязательному страхованию гражданской ответственности владельцев транспортных средств:

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | KS0081041 | 11 | KS0081172 | 21 | KS0081311 |
| 2 | KS0081081 | 12 | KS0081223 | 22 | KS0081312 |
| 3 | KS0081098 | 13 | KS0081259 | 23 | KS0081313 |
| 4 | KS0081132 | 14 | KS0081305 | 24 | KS0081314 |
| 5 | KS0081135 | 15 | KS0081263 | 25 | KS0081315 |
| 6 | KS0081136 | 16 | KS0081273 | 26 | KS0081316 |
| 7 | KS0081137 | 17 | KS0081307 | 27 | KS0081331 |
| 8 | KS0081138 | 18 | KS0081308 | 28 | KS0081339 |
| 9 | KS0081149 | 19 | KS0081309 | | |
| 10 | KS0081152 | 20 | KS0081310 | | |

Ташкентский городской филиал ОАО "Kapital sug'urta" просит считать вышеуказанные утерянные полиса недействительными.

Утерянный угловой штамп, выданный на имя ЧФ "OLALBO" (г.Ташкент Бектемирский р-н ул.Ж.Остонова д.33), считать недействительным.

Утерянную круглую печать ООО "ABDULMANNOP-ELITE" (ИНН 300967853) Юнусабадского р-на г.Ташкента, считать недействительным.


Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги жамоаси Қурилиш ишларини ташкил этиш сектори бошлиғи Мамасоли Холмўминовга волидаи муҳтарамаси **ШАҲАРОЙ АЯ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


"ВОЛГА" АВТОМОБИЛЛАРИГА МАКСИМАЛ ЧЕГИРМА



Шунингдек, сотувда "ВАХТАВЫЙ" автомобиллари ҳам мавжуд.

AVTODOM PLUS
"ГАЗ" русумининг расмий дилери
www.auto.uz

**Автосалон:**
Тошкент ш., Бунёдкор кўч. 118.
Тел.: (99871) **140-41-21, 140-41-22.**
**Офис:**
Тошкент ш., 100015, Шаҳрисабз кўч. 16 "а"/
Тел./факс: (99871) **256-03-62, 256-13-01.**



Бош муҳаррир Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР КЕНГАШИ
Зафар РЎЗИЕВ, Фарҳод ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Раҳимберди БЎРИЕВ, Ғуломжон ИБРАГИМОВ, Саид АРАБОВ, Саидамин САИДЖАЛОЛОВ, Баҳодир АБДУҚОДИРОВ, Илҳом ҲАЙДАРОВ, Наримон УМАРОВ, Абдураҳмат БОЙМУРОДОВ, Муҳаммад ЖУМАГАЛДИЕВ, Садриддин РАСУЛОВ, Виктор ЧУБ, Шуҳрат ТОШМУРОДОВ, Шуҳрат НУРМАТОВ, Адилбек АХМЕТОВ, Шамсиддин ЭСОНБОЕВ, Зиёвуддин ОБИДОВ, Ҳакимжон УМАРХЎЖАЕВ.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Ағитай АДИЛОВ, Улуғбек УЗОҚОВ, Ўткир РАҲМАТ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Жуманиёз ЖАББОРОВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ, Омонулла ЮНУСОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (масъул котиб).

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона — 236-58-83, Котибият — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 236-56-25, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими— 233-76-78, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-56-21. Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-28-04, Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.

ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:
Қорақалпоғистон Республикаси – 352-54-58; Андижон – 224-99-13; Бухоро – 593-27-57; Жиззах – 366-61-16; Навоий – 224-69-08; Наманган –224-81-69; Самарқанд – 222-29-97; Сирдарё – 588-06-89; Тошкент – 100-29-61; Хоразм – 520-69-14; Қашқадарё – 221-59-40; Сурхондарё – 392-50-42.

Реклама ва эълонлар — 236-58-83, 233-28-04.
Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар
Ⓣ-тижорат мақола

МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй
E-mail: info@qishloqhayoti.uz

Навбатчи: А.ҲАҚБЕРДИЕВ
Мусаҳҳиҳ: С.ҚОДИРОВ
Дизайнер: Ю.МИХАЙЛОВСКИЙ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.
Газета сешанба, пайшанба ("Ҳаёт"-илова), жума кунлари чиқади.
Буюртма Г-117, ҳажми 2 босма табоқ.
Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.
Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 22.45
20030 нусхада босилди. Нашр индекси — 144
Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.
"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.
1 2 3 4 5